

Мактаб кутубхонаси ва мутолаа

Ҳозирги пайтда ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялаш ва уларга таълим бериш Давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур вазифани амалга оширишда бошқа тарбиявий муассасалар қаторида мактаб ва унинг таркибий қисми бўлган мактаб кутубхонаси катта аҳамият касб этади.

Халқ таълимининг сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилишига, унинг демократиялашувига, ўқув-тарбия жараёнининг мазмунан такомиллашувига қаратилган вазифалар мураккаблиги ва кенглиги кутубхоначилар зиммасига ислохот томонидан белгиланган барча қарорларнинг ҳаётга татбиқ этилишида фаол ёрдам бериш вазифасини юклайди.

Мактабда бола тарбиясини амалга оширувчи воситалар ичида китоб энг кучли воситадир. Бадиий ва илмий-маърифий адабиёт болаларга илм асослари ва ижтимоий ҳодисалар моҳиятини тушунишга, уларни қуршаб турган табиат гўзаллигини англашга, санъат олами билан яқинлашишга ёрдам беради.

Агар синфдан ташқари ўқиш яхши йўлга қўйилса, мактабда ўқув-тарбия ишлари муваффақиятли боради. Шунинг учун мактабларда мактаб кутубхоналарининг аҳамияти жуда каттадир.

Мактаб кутубхонаси ўқувчиларни ва тажрибали ўқитувчиларни, жамоат ташкилотларини жалб этувчи маданий марказдир.

Мактаб кутубхоначиси ўқувчиларнинг китоб ўқишини тартибга солади ва бир мақсад сари йўналтиради, улардаги билимга қизиқиш ва лаёқат туйғуларини, мустақил ўқишга бўлган интилиш ҳисларини ривожлантиради. Китоб ёрдамида болаларнинг маънавий руҳда тарбияланиши ва касб танлаши бўйича кенг кўламли иш олиб боради, бундан ташқари адабиёт тарғиботини мактабнинг муайян ўқув-тарбиявий вазифалари билан чамбарчас боғлаб туради.

Мактаб кутубхонаси айниқса ўқув жараёни билан узвий боғланган бўлмоғи лозим. Мактаб кутубхоначиси энг аввало ўқув дастури бўйича ўрганилаётган ва дарсдан ташқари мутолаа учун тузилган рўйхатга киритилган китобларни тарғиб этиши даркор. У тўғарак машғуотлари учун ўқувчиларга зарур бўлган адабиётлар билан иш олиб боради. Синф жамоатчилиги, ўқитувчилар билан узвий муносабат бу ишни ҳар бир синфнинг талаб-эҳтиёжи ва ўқув жадвалини ҳисобга олган ҳолда тезкорлик билан олиб боришда мактаб кутубхоначисига кенг имконият туғдиради.

Давлат таълим стандарти талаблари ўқув дастурлари, хусусан Адабиёт дастурининг ўқувчиларнинг билимга бўлган фаол қизиқишларини

ривожлантириш, уларда дарсларда олган билимларини мустақил равишда тўлдиришга эҳтиёж ҳиссини тарбиялаш кўзда тутилган. Шу муносабат билан ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини тарбиялаш бўйича кутубхоначининг иши яна ҳам катта аҳамият касб этади. Болаларни ўқитиш ва тарбиялашда, бадиий адабиёт ўқишга қизиқишини оширишда мактаб кутубхоначисининг тобора ошиб бораётган аҳамияти унинг заҳиралари ишини яхшилаш, кутубхона заҳираларидан самарали фойдаланиш вазифасини кўндаланг кўяди.

Ўқитишнинг таълимий-тарбиявий тизимида мактаб алоҳида ўрин тутади. Ўқувчиларнинг билим олиш ва тарбияланиш жараёнига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш мактаб кутубхонасининг асосий вазифаларидандир. “Мактаб кутубхонаси ҳақида Низом”да кўрсатилганидек, шахсни ҳар томонлама камол топтириш борасида мактаб олдида турган вазифаларни бажарар экан, мактаб кутубхоначиси ўқувчиларнинг ўқувларини муваффақиятли ўрганишлари, таълимий ва сиёсий билим асосларини пухта ўзлаштиришлари мақсадида уларга мутолаани ташкил этишда ёрдам беради; болаларнинг маънавий, жисмоний ва бадиий жиҳатдан камолотга эришувига, уларнинг меҳнатга, ижтимоий фойдали фаолиятга нисбатан муҳаббат кўзи билан қарашга имкон туғдиради, китоб билан мустақил равишда ишлашга, маърифий китобларни кўпроқ ўқишга даъват этади, ҳар бир ўқувчини мустақил равишда ва мунтазам мутолаа қилишга жалб этади.

Бундан ташқари, билимлар хазинаси ҳисобланмиш мактаб кутубхонаси мактабда ўқув-тарбиявий ишларни ташкил этишда ўқитувчиларга, китоблар билан ишлашда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатига яқиндан ёрдам беради.

Мактаб кутубхонаси вазифаларидан бири ўқувчиларни кутубхона-библиография саводи асослари, мутолаа маданияти билан таништириш, уларга ахборот манбалари ҳамда китоблар билан ишлаш малакаларини сингдиришдан иборат.

Юқорида кўрсатилган асосий вазифалар ўқув-тарбиявий жараёнда ва мамлакат ягона кутубхона тизимида мактаб кутубхонасининг ўрни ва аҳамиятини белгилайди.

Мактаб кутубхонаси ўз мустақил муассаса бўлмай, мактабнинг таркибий бир қисми ҳисобланади, шунинг учун ҳам унинг фаолияти бутунлай ўқув юрти — мактабга боғлиқдир. Мактабнинг ўқув-тарбиявий фаолияти кутубхона фондининг таркиби, китобхонлар билан ишлаш мазмуни, мактаб кутубхонаси фаолияти кўламини белгилайди.

Китоб билан ишлаш, адабиётларни тавсия этиш, ўқувчиларнинг мутолаасига раҳбарлик қилиш фақат кутубхонада эмас, балки дарсларда, тўғаракларда, факультатив машғулотларда, адабий кеча ва ҳоказоларда олиб борилади. Бу ишга ўқитувчилар, тарбиячилар “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари жалб этилади. Мактаб кутубхонаси ва мактаб ишининг ягоналиги бир томондан ўқишда ва синфдан ташқари ишда, китобдан унумли фойдаланиш, иккинчи томондан кутубхона ишини ўқитувчилар тажрибаси, ўқув-тарбиявий иш методикаси билан бойитишга имкон берувчи энг асосий хусусият ва энг муҳим қадрият бўлиб ҳисобланади.

Мактаб кутубхонасининг яна бир хусусияти шундан иборатки, у китобхонларга ялпи таъсир ўтказди. Бу ҳол унинг ўқув ва мактаб ҳаёти манфаатлари юзасидан уюшган ўқувчилар жамоатчилиги билан доимий ишлашида намоён бўлади. Бутун ўқув йили давомида кутубхоначи фақат биргина жамоа билан иш олиб борадики, бу ўқувчиларни ялписига эмас (мактаб жамоатчилиги ёрдамида), якка-якка ҳолда обдон ўрганиш имкониятини беради.

Мактаб кутубхонаси ўқувчилар ҳамда турли дарс берувчи ўқитувчиларнинг эҳтиёжларини қондириши керак. Бунда мактаб кутубхонаси зиммасига яна ахборот-методик вазифа ҳам тушадики, бу билан у ўқитувчиларнинг илмий- методик адабиётларни танлашларида катта ёрдам бериб, уларни янги чиққан китоблардан хабардор этиб туради.

Тажрибали ўқитувчилар жамоатчилиги билан узвий боғлиқлиги туфайли мактаб кутубхонаси катта имкониятларга эга, шу боис у кўпгина масалаларни бемалол ҳал этишга қодир.

Шунинг учун мактаб кутубхонаси ишининг мазмуни ва йўналишини белгилашда ўқувчиларнинг ўқиши ва ишига ҳар тарафлама ёрдам беришдек асосий вазифадан келиб чиқмоқ мақсадга мувофиқдир.

Шу мақсадда мактаб кутубхонаси ўзининг китоб фондини Халқ таълими вазирлиги тавсия этган зарурий ўқув адабиётлари, даврий нашрлар, бадиий ва илмий-оммабоп китоблар, маълумотномалар ва библиографик қўлланмалар, методик адабиётлар билан тўлдиради, дарсликлар фондини ташкил этади.

Мактаб кутубхонаси мактаб фондини очиб берувчи каталоглар ва картотекалар тизимини яратади, адабиётни тарғиб этишга, маълумот бериш, библиографик ва ахборот ишлари олиб боришга, болаларнинг кутубхоначилиқ ва библиографик саводли бўлишларига ёрдам беради.

Мактаб кутубхонаси фаолияти мактаб жамоат ташкилотлари, ўқувчиларнинг ота-оналари билан чамбарчас боғлиқдир. У болалар

кутубхонаси билан мустаҳкам алоқада бўлади, ўз ишини мактабдан ташқари муассасалар билан мувофиқлаштириб боради.

Мактаб кутубхонасининг ишида кенг жамоатчиликнинг иштирок этишига, ўқувчилар орасида маданиятни ҳар тарафлама ривожлантиришга ва муваффақият қозонишга имкон туғдириш лозим.

Тўғаракларга бирлашган китобхонларнинг кенг жамоатчилиги ҳам мактаб кутубхонаси учун характерли хусусиятлардан биридир. Турли тўғаракларга уюшган китобхон-фаоллар кутубхона китобларини тарғиб этишда кутубхоначининг ҳақиқий ёрдамчилари ҳисобланади. Бу тўғаракларнинг мақсади болаларда ташаббускорлик туйғусини тарбиялашга, мустақил бўлишга, жамоат ишларида фаол қатнашишга ва фаол китобхонлар ёрдамида барча ўқувчиларни кутубхона китобларини мутолаа қилишга жалб этишга ва ўқувчилар ўртасида адабиётни тарғиб этишга имкон туғдиришдан иборатдир.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук, билимдон қилиб вояга етказиш Давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралаётганлиги, таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинаётган бир қатор ҳукумат қарорлари, таълим мазмунини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, ўқитиш мазмунига ахборот-коммуникация технологияларининг кенг кўламда жорий этилаётганлиги, информатика ва хорижий тилларни ўрганишга эҳтиёж ортиб бораётганлиги каби жиҳатлар мактаб кутубхонаси ишининг янада чуқурлашувини ва мукамаллашувини талаб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2012 йилнинг 16-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференция якунлари, қабул қилинган резолюция мазмун-моҳияти ҳам ёшларни ҳар томонлама ривожланган маънавий баркамол шахслар бўлиб камол топишида мактаб кутубхоналари зиммасига катта масъулият юклади.

Кутубхоналарнинг йириклашуви, улар фаолиятининг мувофиқлаштирилиши ва тўғри тақсим этилиши барча бўғинларнинг ўзаро ҳамкорлиги биргина мақсадни кўзда тутди – у ҳам бўлса, ўқувчиларга кутубхона китоби билан хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, мутолаага раҳбарлик қилишни яхшилаш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялашда китоб ва кутубхонанинг аҳамиятини оширишдан иборат.

К.Усмонова, РТМ Бош методисти